

Ануштегиний Хоразмшохлар давлати (1097-1231) нафакат Хоразм, балки Дашти Кипчокнинг жануби, Шаркий Туркистон, Ўрта Осиё, Якин ва Ўрта Шарк давлатларини бирлаштирган буюк салтанат бўлган.
Хоразмшох Такиш кипчоклар билан иттифокка кириб, уларни ўзига огдириш ниятида кипчок хони Жонкишининг кизи Туркон Хотунга уйланади. Баёт уругидан бўлган Туркон Хотун Хоразмга турк кабилалари (уранийлар, карлуклар, угроклар, халаж кабилалари)ни олиб келади ва уларнинг кудратли хомийсига айланади.

Хижрий 596 йил 20 шаввол (1200 йил 3 август)да Гурганж ахолиси, давлат аъёнлари ва амирлари иштирокида Хоразмшохлар давлати тахтига Такиш ва Туркон Хотун ўгли Кутбиддин Мухаммад ўтирди ва у отасининг Алоуддин лакабини кабул килди. Кейинрок эса Санжар иккинчи номини олди.
Ан-Насавий Туркон Хотун хакида куйидагича тавсиф колдирган: «Юкорида айтиб ўтилган Туркон Хотун Байавут тоифасидан бўлиб, йемак уругининг шохобчасидандир. Качонки, унинг мавкеи мустахкамлангандан сўнг «Худованди Жахон», яъни бутун дунё хукмдори лакабини олган эди. У туркий хукмдорлардан Жонкишининг кизи бўлиб, Эл-Арслоннинг ўгли Такиш унга уйланади. Такиш ўлгандан сўнг давлат тепасига келган ўгли Алоуддин Мухаммад Хоразмшох даврида онаси Туркон Хотуннинг обруси кўтарилиб, давлат ишларини хам бошкарган".
Хатго Хоразмшох Мухаммад мастлигида онаси Туркон Хотуннинг хиёнати туфайли шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Мажидиддин Багдодийни катл килиш хакида фармон хам беради. Багдодийнинг катл килдирилиши дин уламоларини Мухаммаддан ихлосини кайтарган эди. Туркон Хотуннинг бундай нодонлиги Хоразмшохлар давлатига сонсиз кулфатлар келтирди.
Насавийнинг гувохлик беришича, маккор Туркон Хотун ўглига шу даража ўз таъсирини ўтказганки, натижада Хоразмшох Мухаммад мамлакат ичкарисидагина эмас, балки халкаро майдонда хам Хоразмнинг ягона хукмдори сифатидаги ролини бой берди. Бундан ташкари, катта кудратга эга бўлган саркардаларининг кўпчилиги кипчоклардан бўлгани боис, хукмдор онасига ён беришга мажбур эди.
Ан-Насавий бундай ёзади: «Агар маликадан ва султондан бир иш хакида иккита кўрсатма келса, у холда уларнинг санасига карар эдилар ва барча мамлакатларда кейинги санага амал килардилар...»

Туркон Хотун «Жахон хокими» лакабига хам эга эди, унинг фармонларидаги шахсий мухри — тугрисида: «Исмат уд-дунё вад-дин Улуг Туркон малика нисо ал-оламийн» (Дунё ва унинг покдомони, Улуг Туркон, олам аёлларининг маликаси) деб битилган эди. У «Иътасамту биллахи» («Факат Аллохдан химоя кутаман») дейилган сўзларни бош шиор килиб олган. У ўз шиорини ўгли шиорининг ёнига кўяр эди.
Хоразмшохлар давлатида мўгуллар боскини арафасида бир мамлакатда иккита пайтахт — Гурганж ва Самарканд, иккита хукмдор — Туркон Хотун ва Хоразмшох Алоуддин Мухаммад бор эди.
Гурганж шахрида Туркон Хотуннинг кариндошларидан султоннинг туркий кўшинига тегишли нуфузли аъёнларгина (бошлик ўрнида) эдилар, жумладан, Хумор Агу — хожиб сипохсолор (лашкарбоши), Бука Пахлавон, Али Маргини ва бошкалар.
Хоразмшох 1216 йилда онасининг шайхини катл килдирганди. Она-ўгил ракобати давлатни ич-ичидан нуратмокда эди. Султоннинг халифа номини хутбада зикр этмаслик тўгрисидаги фармонига факат Марв, Балх, Бухоро ва Сарахсда амал килинар, Самарканд, Хирот ва Хоразмда эса аксинча эди. Махаллий анъаналарнинг кучли эканлиги, Туркон Хотуннинг ва унинг таъсири остидаги хонлар ва уламоларнинг Султон Мухаммад хукмронлиги даврида давлатчиликда ўзига хос икки хокимиятчиликнинг юзага келишида салжукийларнинг бош вазири машхур Низомул-мулк (1018-1092) ишора этганидек, «Качонки подшохлик иши аёллар ва гўдаклар кўлига ўтса, билгинки, подшохлик ўша хонадонни тарк этгай».
Хуллас, амирлар, харбийлар иложи борича ўз мавкеларини кандай бўлмасин мустахкамлаб боришга харакат килганлар.
Хоразм пойтахтини камал этган Чингизхон лаш-карлари турли найранглар билан шохнинг онаси Туркон Хотунни таслим бўлишини талаб килишган. Урганждаги кўшин ва ахолиси мудофаа кучига эга бўлса-да, Туркон Хотун Ватанни душманга. ташлаб кочган ўгли Мухаммаддан кейин вахимага тушади.
Самарканд таслим бўлгандан сўнг, Чингизхон Хоразмшохнинг кўшин тўплаб, каршилик кўрсатишига йўл бермаслик ва ўзини кўлга тушириш максадида, саркардалари Жебе нўён ва Субэдей нўённи тахминан 20 минглик кўшин билан Султон кетидан жўнатди. Мўгулларнинг таъкибига учраган Хоразмшох Хуросон ва Эрон оркали ўтиб Каспий денгазидаги ороллардан бирига келиб колади. Бор-будидан мосуво бўлиб, гам-алам остида огир касалликка чалинган Султон Алоуддин онаси Туркон Хотуннинг мўгулларга асир тушганини эшитиб валиахд тайинлаш борасида бурунги фармонини бекор килиб, Жалолиддинни тахт вориси деб эълон килган эди.
1220 йили Хоразм мўгуллар томонидан истило килингач, Султон Алоуддин Хазар денгизидаги Абискин оролларидан бирига кочишга мажбур бўлди. Шох хотинлари ва фарзандлари хазинадаги бойликлар ва бошка кимматбахо буюмларини олиб шахарни тарк этади. Берахм малика эса шахарда колган барча султонлар, хокимлар ва уларнинг ўгилларини, жами 26 кишини катл килдирган, яъни Амударёга чўктирган. Бундай шармандалик Туркон Хотундан кўп тарафдорларини юз ўгиртирган. У факат ўз хизматкорлари, вазир Мухаммад Солих хамда йўл кўрсатувчи Умархон хамрохлигида кочиб кетган.
Ношукр малика Илол шахри Мозандаронга етгач, йўлбошловчини хам катл килдиради. Чингиз лашкарлари Туркон Хотун изидан бориб, Илол шахрини камал килиб, кўп ўтмай уни хам босиб олади. Малика Хоразмшохнинг бутун харами, болалари билан асирга тушади. Мўгуллар шох болаларини ўлдириб, харам аёлларини хотин килиб оладилар,

Туркон Хотун эса Чингизхон кароргохига жўнатилади. Туркон Хотуннинг асирликдаги ахволи жуда аянчли эди, у Чингизхоннинг дастурхонида колган саркити билан овкатланарди. Бир пайтлар хар кандай фармойиши дархол бажарилган маликаи жахон Туркон Хотун 1233 йили хору зорликда вафот этади.

Севара САБУРОВА